

ОТА-ОНАЛАР ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нурматов Акмал Бобоқулович БухДУ 2- курс магистранти

Маълумки, оиланинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни ва оилавий ўзаро муносабат оқибатлари масаласи психолог ҳамда педагог олимларнинг диққат марказида турган муаммолардан биридир. Бу муаммога бағишланган илмий изланишлар эса, асосан, ҳар бир миллат менталитети, ўша жамиятда устувор бўлган оилавий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимлар доирасида турли тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган. Ушбу мақолада оилада камол топаётган ёш авлод дунёқарашининг тўғри шаклланиши оила аъзолари ўртасида барқарор бўлган соғлом муносабатларнинг характерига боғлиқлиги қонуниятлари психологик тилда баён этилган. Шунингдек бола онгида ижобий ва салбий муносабатлар, низолар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг психологик қонуниятлари тушунтириб берилган.

Один из первых проблем психологов и педагогов это роль семьи и последствие семейной отношении в воспитание ребёнка. Научный изучение этих проблем становятся предметом научный деятельности как менталитет нации, традиции и разные мероприятия. В статье сказано о закономерности зависимый характеру здорового отношении семьи для развития мировоззрения ребёнка. А также о некоторых психологических закономерностях развитии воображение последствии конфликтов, хороших и плохих отношении в сознании ребёнка.

The first problem of psychologists and pedagogues is the role of family and consequence of family attitudes in upbringing of child. Scientific study of these problems will be the object of scientific activity as nation mentality, traditions, and different arrangements. In article said about rules belonging to character of healthy relations of family for developing world view of child. And about psychological rules of developing imagination results of conflicts, nice and bad attitudes to consciousness of child.

Ижтимоий тасаввурлар доирасидаги оилавий низолар муаммосининг ўрганилиши жараёнида, асосан, эр-хотин (ота-она) ўртасидаги муносабатларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ саналади. Чунки оила муҳити мувозанатини ота-она сақлаб туради. Оила борасидаги илмий изланишлардан яна шу нарса маълумки, оилавий низоларнинг асосий қисми эр-хотин ўртасидаги низолардан ташкил топади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология соҳасида эр-хотин ўртасидаги низолар, уларнинг келиб чиқиши ва ушбу оилада тарбияланаётган фарзандлар дунёқараши, феъл-атвориға таъсири ҳамиша долзарб муаммолардан бири бўлиб келган.

XX асрда юз берган инсониятнинг юксак даражада ривожланиши, яъни илмий техника тараққиёти, одамлардаги маълумотлилик даражасининг ўсиши, аёлларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиниши каби қатор воқеликлар оила-никоҳ жараёнларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шу сабабдан ҳам республикамизда бошқа мамлакатлар қатори оила-никоҳ борасида муайян муаммоларининг пайдо бўлиши, шаҳарларда туғилиш суръатларининг

камайиши, низоли ва нотинч оилалар тоифасининг пайдо бўлиши ва расмий никоҳлар барбод бўлиши ҳолатларининг кўпайиши, оилаларнинг нуклеарлашуви (нуклеар – эр-хотин ва болалардан иборат бўлган оилалар), нотўлиқ оилаларнинг ортиши қабилар кузатилмоқда.

Шу боис ҳам, ҳозирги вақтда оила мустаҳкамлиги долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, соҳа мутахассисларининг диққат эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Анъанавий оилаларнинг бош вазифаси, бу - бола тарбиясидир. Моҳиятан, мазкур жараён оилани ташкил этувчи шахсларнинг ўзаро муносабатлари характери билан боғлиқдир. Хорижлик қатор мутахассислар, мазкур муаммони ёритиш мақсадида, ижтимоий меҳнатдаги аёл бандлигининг бола тарбиясига таъсири ҳамда оиладаги замонавий эркак мавқеини ўрганишга бағишланган муҳим илмий изланишларни олиб боришган. Таҳлиллар шундан далолат берадики, онаси ижтимоий меҳнатда иштирок этадиган қизлар фаолроқ, мустақилроқ, мақсадга интилувчанроқ бўлиб, уй бекаларининг қизларига нисбатан рақобатга интилувчанроқ ва дадилроқдирлар. Улардаги шахс сифатлари феминин хислатлар шкаласи бўйича текширилганда, аёллик феноменлари индекси пастроқ эканлиги ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли вазиятларига кўникиш даражаси осонроқ рўй бериши маълум бўлди. Шу аёл мавқеининг ўғлига кўрсатадиган бевосита таъсири ўрганилганда эса, унинг ўзига хос эканлиги, яъни хотин-қизларга нисбатан янгича қараш руҳи мавжудлиги кузатилган. Оилавий муносабатлар жараёнида эса, анъанавий установакалардан чекиниш аниқланган.

Шахснинг оилавий низолар тўғрисидаги билимлари, унинг шахсий тажрибаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, тасаввурлар тизимининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказди. У ёки бу объект ёхуд ҳодиса ҳақида билимнинг йўқлиги тасаввурнинг ҳам йўқлигидан дарак беради. Шахсгача етиб келаётган маълумотлар ва улар асосида шаклланаётган билимлар аниқ ёки ноаниқ, тўғри ёки нотўғри бўлиб, бирор нарса ва ҳодисалар воситасида шаклланади ҳамда бу бевосита таъсир бўлгани учун ҳам тасаввурлар ана шунга мувофиқ тегишли зайлда пайдо бўлади.

В.М. Каримованинг илмий изланишлари таҳлилида “оилавий ижтимоий тасаввурлар” категорияси қўлланган бўлиб (1994), мавзу ўз доирасига оилавий низолар тўғрисидаги тасаввурлар муаммосини қамраб олган. Муаллифнинг таъкидлашича, оилавий ижтимоий тасаввурлар (ОИТ) – шахснинг шундай тасаввурлари тизимики, улар воситасида шахс “Оила” тушунчаси атрофидаги барча ҳодиса ва объектларни тушунади ва ўз муносабат (ижтимоий установа)ларини шакллантиради. Улар моҳиятан ижтимоий бўлгани учун ҳам оилавий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини – ўзаро муносабатлар, роллар, репродуктив хулқ-атвор, оила аъзоларининг шахсий фазилатлари ҳақидаги қатор тасаввурларни ўз ичига олади.

Фикримизча, ўсмирлардаги низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг динамик табиатини таҳлил қилиш учун, уларнинг шаклланиш босқичларини қуйидагича ажратиш мақсадга мувофиқдир:

➤ **Идрок қилиш босқичи**, унда онгда бевосита акс этадиган маълумотларнинг қабул қилиниши ва ўсмир (ўғил, қиз)лар учун аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан сараланиши руй беради. Масалан, оилавий роллар тақсимооти ва унинг бажаралиши юзасидан ўсмир хатти-ҳаракатидаги оила “лидер”ига нисбатан англамаган интилиш.

➤ **Ассоциатив боғланишлар босқичи**, бунда онгдаги янги хабарлар эскилари билан солиштирилиб, ассоциатив ва маънавий боғланишлар ўрнатилади. Масалан, эрнинг ўз хотинига (ёки аксинча) нисбатан кўрсатадиган ҳар қандай салбий муносабати ўсмирни оиланинг идеал “лидер”ига нисбатан позициясини ўзгартиришга мажбур қилади.

Юқоридаги икки босқич хусусиятларининг умумлаштирилиши – объект ҳақидаги тасаввурларнинг генерализациясини келтириб чиқаради. Яъни, юзага келган оилавий низолар таъсирида ўсмир ота-онаси хусусидаги ижтимоий тасаввурларини тубдан ислоҳ этади. Натижада, оилага доир ҳар бир маълумот ёки хабар дифференциал ҳолда ўсмир учун аҳамиятлик даражасида ажратилади ва шу асосда маълум установакалар шаклида унинг хулқ-атвори йўналишини белгилайди.

Маълумки, бизнинг менталитетимизда миллий кадриятларга бўйсунуш билан бир қаторда, обрў-эътиборга эга шахслар ва гуруҳлар фикрига эргашиш, уларни танқидсиз қабул қилишга бўлган мойиллик кучлидир.

Низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар муаммосининг психология фанида ўрганилиши бизга яна бир қарра ўсмирлардаги низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар энг аввало, оила муҳитида ва ундаги ота-она ҳамда уларнинг ўз ота-оналик ролларига бўлган муносабатлар таъсирида шаклланишини исботлади.

Ўсмирлардаги низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг шаклланишини методологик жиҳатдан олиб қаралганда, ижтимоий тасаввурлар концепциясидаги доирасида ўрганилиши муҳим бўлиб, бундай ёндошув методик воситаларни аниқ белгилашда имкон беради. Яъни, ўсмир (ўғил, қиз)ларнинг низолар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларини ўрганиш учун вербал жавоблар, стандартлаштирилган суҳбат, анкета, контент-таҳлил усуллари ҳамда низоларни махсус ўрганишга қаратилган тестлардан фойдаланиш мумкин.

Ўсмир боладаги оиладаги муносабатлар, ижобий ёки салбий установакалар, аввало, оилада устувор ҳисобланган муносабатлар характерининг негизига, яъни авторитарлилик устун бўлиши ёки демократиклилик тамойилига боғлиқ бўлади. Яъни, ота-она ўртасидаги тенгликка асосланган муносабатлар болада оилавий кадриятларга нисбатан ижобий, позитив баҳони шакллантириш билан бир қаторда, унда рўй берадиган айрим зиддиятлар, баҳслар ва низоларга нисбатан холис, адекват ёндошувнинг пайдо бўлишига ҳам замин яратади.

Ўсмирларда аниқланган низокашлик тўғрисидаги тасаввурлар моҳиятан оиладаги ўзаро муносабатларга, нафақат ота-она билан, балки ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги муомала характериға ҳам боғлиқдир. Низони келтириб чиқарадиган муносабатлар онадан кўпроқ отага, укадан кўра ака ёки опага йўналганлигини ўзи, ушбу тасаввурларнинг мураккаб ва серқирралигидан дарак беради.

Низолар тўғрисидаги тасаввурларни ўрганиш натижалари онанинг оиладаги ижтимоий-психологик маъқеи отаникидан юқорилигини, унга нисбатан референтлилик сифати хослигини кўрсатиши билан бир қаторда, отанинг оиладаги тартиб-интизом “эгаси” ва ташаббусқори сифатида идрок қилинишини ҳам аниқлаб берди.

Ўсмирлардаги низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар жинсий ўзига хосликка эга бўлиб, қизлардаги оилавий установақлар ижобийлик дара-жасининг ўғил болаларниқига нисбатан юқорилиги, улардаги низокашлик хусусиятининг камайишига замин яратар экан. Шунингдек, бу ҳолатнинг конструктив характер касб этиши, қизлардаги низоли вазиятни идрок қилиш даражасининг пасайишига ҳам сабабчи бўлади.

Ўсмирларда шаклланган низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг конструктив типи, асосан, оила ва унинг қадриятларига нисбатан ўзаро муносабатларида демократиклилик, тенг ҳуқуқлилик устувор бўлган тинч оилалар вақилларидагина намоён бўлади. Бу тўғридаги деструктив тасаввурлар эса, аксинча, нотинч оилаларнинг феномени бўлиб, улар ўзаро муносабатлар жараёнида қаттиққўллик, шафқатсизлик, тазйиқ, автори-таризм устувор бўлган оиладаги ўсмирларга хосдир.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, хусусан, ёшларни соғлом муносабатлар, баҳс ва мунозараларга ўргатиш жараёнида оила омилини эсдан чиқармаслик лозим. Ёшларни оила-вий ҳаётга тайёрлаш орқали, жумладан, ота-она ва болалар ўртасида ўзаро соғлом муносабатларнинг шакллантирилиши, бу борадаги ҳаракатларнинг самарадорлигини оширади. Бундай фаолиятлар пировардда оилаларнинг мустаҳкам бўлиши ва унда тарбияланётган боланинг барқамол бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Фойдалиниланган адабиётлар рўйхати

1. Давлетшин М.Г. Оилавий низолар психологияси ва уларни бартараф этиш йўллари. // “Ўзбек оиласининг иқтисодий ва ижтимоий психологик муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами. – Т.: 2000. – Б. 11-13.
2. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши. Психология фанлари докторлиги илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1994. –Б. 312.
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Университет ва педагогика олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994. –Б. 98.

4. Каримова В.М. Ижтимоий тасаввурларнинг шаклланишида эр-хотин муносабатларининг роли. // Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Республика илмий-амалий анж. маъруз. қисқ баёни. – Т.: 1993. – Б. 44-46.
5. Каримова В.М., Зокирова М.С. Ўзбек оилаларида оилавий роллар ҳақи-да тасаввурларнинг шаклланиши ҳақида // Ўзбек оиласининг этнопси-хологик муаммолари. Республика илмий-амалий анж. маъруз. қисқ баёни. – Т.: 1993. – Б. 40-42.
6. Кадирова А.Т. Ўсмирларда оилавий низолар тўғрисида ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши. Номзодлик диссертацияси иши. Т.2007 й.